

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 20 май, № 100 (6283) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА





Кеча "Ўзэкспомарказ" мажмуасида VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси иш бошлади.

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожида илм-фан ютуқлари ўзига хос локомотив вазифасини бажаради. Айниқса, рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришга интеллектуал салоҳият маҳсуллари бўлган илмий ҳажмдор, юқори самарали ишланмалар, илғор инновацион технологияларни татбиқ этмасдан туриб, харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш мушкул. Шу боис республикамизда илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ҳамда унинг ютуқларидан оқилона фойдаланиш масаласига тараққиётнинг ҳал қилувчи омили сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаяпти.



Ушбу ҳужжатга мувофиқ, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ярмарка нафақат инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларнинг намойиш майдони, балки уларни амалиётга татбиқ қилиш учун саноат корхоналари билан хўжалик шартномаларини тузишда асосий бозор механизмига айланди. Шу боис мазкур тадбирга бўлган қизиқиш ортиб, унинг нуфузи тобора юксалиб бораётир. 2008 — 2014 йилларда ўтказилган ана шундай ярмаркаларда юртимиз олимларининг 3500 дан зиёд ишланмалари, технологиялари ва ғоялари маҳсуллари намойиш қилингани, уларни жорий этиш мақсадида умумий қиймати 86,8 миллиард сўмлик 2300 дан ортиқ шартномалар имзолангани бунинг яққол далилидир.

VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мазкур йирик анжуман саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, энг асосийси, моддий ва табиий ресурсларни тежашга имкон яратаётгани билан янада аҳамиятли эканини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, ярмаркаларда тузилган шартномалар доирасида бир триллион сўмликдан зиёд янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мисол учун, кимё саноатида инновацион технологияларнинг жорий этилиши туфайли 302 миллиард сўмликдан ортиқ импорт ўрнини босувчи дефолиант ва ўғитлар ишлаб чиқаришга эришилган бўлса, ёғ-мой саноатида жорий қилинган инновациялар пахта шротини чорвачиликда чекланмаган миқдорда ишлатиш имконини берди. Аниқроғи, унинг ёрдамида 18 та корхонада 530 минг тонна зарарсиз ҳамда тўйимли чорва озуқаси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундай далилларни кон-металлургия, нефть-газ, пахтани қайта ишлаш ва енгил саноат тармоқларидан ҳам келтириш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Зангиота туманилик тадбиркор Шавкат Аъзамов дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатларида ўтказилган кўргазмаларда муваффақиятли қатнашиб, катта тажриба орттирган.*

### Йирик ҳажмдаги буюртма

Бугун у раҳбарлик қилаётган "Takro Osiyo" корхонасида тайёрланаётган кийим-кечаклар тўлалигича хорижга сотилаётгани эса янада эътиборлидир.

— Либос танлашда харидорлар биринчи галда унинг сифати ва замонавийлигига эътибор қаратишади, — дейди тадбиркор. — Шу боис мутахассисларимиз ҳар бир туркумдаги кийим-кечак дизайни устида астойдил бош қотиришади. Бу борадаги изланишларимиз туфайли қисқа фурсатда катталар ва болалар учун тикилаётган либосларимиз тури 300 дан ошди. Хитой ва Европа давлатларидан келтирилган замонавий дастгоҳ ҳамда ускуналар чеварларимиз мушкулини осон қилаяпти.

Корхонанинг 140 кишилик жамоаси ўтган йили экспортда янги маррани забт этди. Улар ташқи бозорга 1 миллион долларлик маҳсулот чиқаришди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳудудий дастур самараси

*Наманган шаҳрида саноат салоҳиятини оширишни кўзда тутган ҳудудий дастурга мувофиқ, жорий йилнинг тўрт ойи давомида 30 та лойиҳа амалга оширилди.*

Жумладан, янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ишларига 2 миллиард 990 миллион сўмликдан зиёд инвестиция йўналтирилиб, 249 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Ана шундай лойиҳалардан бири "Наманган асл гофро" масъулияти чекланган жамиятида рўёбга чиқарилди. Бу ерда 240 миллион сўм сармоя эвазига хориждан келтирилган технология ёрдамида истеъмол молларини қадоқлаш учун мўлжалланган гофрокартон қутилар тайёрлаш йўлга қўйилди. Эътиборли жиҳати, бундай қутилар дизайни буюртмачи талаби асосида амалга оширилади.

— Иккиламчи хом ашёдан тайёрлаётган маҳсулотларимизга харидор кўпаймоқда, — дейди жамият раҳбари Собиржон Тўраев. — Буни, жумладан, ойига 20-25 тонна ёки 40 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқараётганимизда ҳам кўриш мумкин.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сув етказиб бериш қуввати ошди

*Боёвут туманидаги хўжаликлараро "Чап тармоқ" каналида амалга оширилган реконструкция ишларидан сўнг ҳудуддаги "Навбаҳор", "Тараққиёт" сув истеъмолчилари уюшмалари экин майдонларини суғориш имконияти янада кенгайди.*

Яъни аввал ушбу тармоқ орқали ҳар сонияда 1,5 куб метр сув етказиб берилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 5 куб метрни ташкил қилмоқда. Бунинг учун каналнинг 3 километрлик қисми бетонлаштирилди, ўзанида нишаблик ва равонлик ҳосил қилинди. Шунингдек, 7 та тақсимлагич иншоот янгиларига алмаштирилди.

— Бунинг натижасида ирригация тармоғида сув исрофгарчилигининг ҳам олди олинмоқда, — дейди Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта қуриш агентлигининг Сирдарё вилояти лойиҳани амалга ошириш гуруҳи мутахассиси Набижон Собиров. — Айтиш лозимки, ушбу лойиҳа Жаҳон банкининг 2 миллиард 600 миллион сўмлик маблағи эвазига ҳаётга татбиқ қилинди.

Ҳозир мазкур халқаро молия муассасаси иштирокида шу тумандаги "1-Боёвут" сув истеъмолчилари ҳудудида сониясига 1 куб метр сув узатиш қувватига эга насос станциясини реконструкция қилиш ишлари тугалланмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЭЪТИРОФ

*Иқтисодий тадқиқотлар марказида БМТнинг Осиё ва Тинч океани минтақаси иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) томонидан тайёрланган йиллик шарҳнинг тақдимоти ўтказилди.*

# ЭСКАТО ШАРҲИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ҳар томонлама барқарор ривожланаётгани, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда эришаётган ютуқларимиз халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланаётгани алоҳида таъкидланди.

Буюк Британиянинг нуфузли "Legatum" халқаро институти 2014 йил 4 ноябрда Дунё мамлакатларининг фаровонлик индексини эълон қилди. Сайёрамиз аҳолисининг 96 фоизи ва жаҳон ялпи маҳсулотининг 99 фоизини қамраб олган бу рейтингда Ўзбекистон 142 мамлакат орасида 57-ўринни эгаллади. Жорий йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингида Ватанимиз 158 мамлакат орасида 44-ўринда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринда қайд этилди.

Мамлакатимиз Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича ўз олдига қўйган вазифаларни тўла амалга оширмоқда. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя, аҳолининг иқтисодий фаровонлигини таъминлаш, самарали давлат бошқаруви ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда қатор қўшма лойиҳалар бажарилди.

(Давоми 2-бетда).

# ЭРКИН ФАОЛИЯТ УЧУН МУСТАҲКАМ КАФОЛАТ

**Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони жойларда зўр мамнуният билан кутиб олинди.**

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, замонавий корхоналар барпо этиш, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларга зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятлари яратиб берилаётгани, қўшимча солиқ имтиёзлари жорий этилаётгани ушбу соҳанинг иқтисодиётимиз ривожидаги улуши тобора ортишида муҳим омил бўлаётир. Ўз навбатида, бу саъй-ҳаракатлар аҳоли даромадлари ҳамда турмуш фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаяпти.

Президентимизнинг ўтган ҳафтада эълон қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз. Мазкур ҳужжат билан танишиб, давлатимизнинг биз, тадбиркорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги нақадар юксак эканлигини яна бир карра дилдан ҳис қилдик.

Фармонда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш белгиланган. Шунингдек, унда барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, қолаверса, 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан ўтказилиши назарда тутилаётгани диққатга сазовордир.

Албатта, бундай енгилликларнинг жорий этилиши ишбилармонларни янада янги ташаббуслар сари ундайди, иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга руҳлантиради.

(Давоми 2-бетда).

# Салоҳият, экспорт ва иш ўринлари

**«Ташаббус» ғолиблари ана шу мезонлар асосида аниқланмоқда.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танлови жамиятимизнинг энг фаол қатлами — тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ҳунармандлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантирибгина қолмай, улар фаолиятини рағбатлантиришда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.*

## ТАНЛОВ

Танловнинг Қашқадарё вилояти босқичи мисолида бу фикрлар яна бир карра ўз тасдиғини топди. Айтиш жоизки, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 41,7 фоиз, саноатда 14,2 фоиз, пуллик хизматлар кўрсатишда 57,1 фоиз ва бандликда 78,3 фоизни ташкил қилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,4 фоиз кўп, яъни 492 та тадбиркорлик тузилмаси иш бошлади.

"Ташаббус" кўрик-танлови ҳудудларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг касбий маҳорати ва билим даражасини янада юксалтириш учун зарурий шароитлар яратиш, соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш каби эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилаётир.

Тадбир доирасида 42 нафар иштирокчи ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва хизматлари кўргазмасини ташкил этди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир қатнашчи фаолиятига баҳо беришда уларнинг эришган ютуқ ва натижаларига алоҳида эътибор қаратди. Якунда Китоб туманидаги "Voha mash`ali" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Санжар Ғаниев "Энг яхши тадбиркор", Нишон туманидаги "Сайдалиев Муҳриддин" фермер хўжалиги раҳбари Муҳриддин Сайдалиев "Энг яхши фермер", чироқчилик ҳунарманд Азиза Шарипова "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

(Давоми 2-бетда).

# ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Саккизинчи бор ўтказилаётган ярмарка ҳам шу каби самарали келишув ва битимларга бой бўлиши кутилаяпти. Негаки, унда ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барча жабҳаси қамраб олинган илғор ишланмалар тақдим этилмоқда. Жумладан, саноат йўналишида 150 та, қишлоқ хўжалигида — 121, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика йўналишида — 82, ахборот технологияларида — 75, фан ва таълим йўналишида 25 та янги инновацион технология намойиш қилинаётир. Улар нафақат янги ёки импорт ўрнини босувчи эканлиги, балки экологик хавфсизлиги, тежамкорлиги, айниқса, иккиламчи ресурслар, яъни чиқиндиларни қайта ишлашга мўлжалланганлиги билан ажралиб турибди.

— Бу йилги ярмаркада Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти томонидан 15 та инновацион ишланма тақдим этилаяпти, — дейди мазкур олий ўқув юртининг проректори Эркин Исаков. — Уларнинг аксарияти чиқиндиларни қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган. Саноат чиқиндилари асосида ишқорли цемент олиш, ундан эса энергия тежовчи деворбоп материаллар ишлаб чиқариш технологияси — шулардан бири. У “Alina Invest” корхонасида амалиётга татбиқ этилиб, эни ва қалинлиги 20, узунлиги эса 40 сантиметр бўлган қурилиш материали тайёрлана бошланди. Улар ғовак бўлгани туфайли енгил. Бу қурилиш ишларида фойдаланишда қулайлик яратади. Муҳими, шовқинни ўтказмайди. Бундан ташқари, саноат корхоналаридан чиқарилаётган оқова сувларни тозалашга мўлжалланган “Зилол-5”, “Тайлоқ бахмали” ускуналарини ҳам таклиф қилаяпмиз. Улар ёрдамида сув таркиби зарарли моддалардан тозаланиб, истеъмолга яроқли ҳолга келтирилади. Натижада улардан қишлоқ хўжалигида бемалол фойдаланиш мумкин. Шу боис ушбу қурилмаларимизга ҳам саноат корхоналари вакиллари катта қизиқиш билдириб, шартномалар имзолашмоқда.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамкорлигида икки босқичда ташкил этилаётгани унинг кўламини янада кенгайтириб, нуфузини оширмоқда. Сабаби, ушбу тадбирнинг биринчи босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилиб, интеллектуал мулк яратувчилар томонидан таклиф қилинаётган энг истиқболли ҳамда самарали ихтиролар саралаб олинаяпти. Айни чоғда чекка ҳудудларда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларини кўпроқ жалб этиш, томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга пойдевор яратилаётир.

Ташкилотчиларнинг айтишича, навбатдаги ярмарка Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш йўлида янги босқич вазифасини ўташи кутилаяпти. Нега деганда, республикамиздаги илмий ташкилотлар ва олий ўқув юртларида яратилган илғор инновацион технологияларга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлар, хорижий сармоядорлар ва халқаро жамғармалар вакилларини кенгроқ жалб этиш, инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсадида “hi-tech”, яъни юқори технологиялар йўналишига асос солинди. Унда ген инженерияси, ҳужайра технологиялари, фармацевтика ва биотехнологиялар, нанотехнологиялар, шунингдек, ахборот технологиялари соҳаларига доир илғор инновацион ишланмалар тақдим қилинмоқда.

— Бизнинг марказимизда энг сўнгги технологиялар асосида маркерларга асосланган селекция, ген инженерияси қўлланилган ҳолда, ғўза, буғдой ва картошканинг истиқболли навлари яратилди, — дейди Геномика ва биоинформатика маркази илмий ходими Мухтор Дармонов. — Улар касаллик ва зараркунандалар таъсири, шунингдек, қурғоқчиликка чидамли бўлиб, ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичлари юқори. Шунинг учун ушбу навларга бўлган талаб тобора ортмоқда. Ғўзанинг “Порлоқ” навлари бунга мисол бўла олади. Қолаверса, ярмаркада саноатбоп, толасининг узунлиги 37-38 миллиметр, гектар ҳисобига 45-50 центнердан ҳосил берадиган ғўзанинг “Равнақ-1”, “Равнақ-2” навларини ҳам намойиш этаяпмиз.

Ярмаркада, шунингдек, Президентимиз томонидан шу йил 5 майда имзоланган 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада тежамкор энергия технологияларини жорий этиш, энергия ҳажмини камайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурига доир қарорга мувофиқ, яна бир янги — энергия ва ресурсларни тежовчи технологиялар йўналиши ташкил қилинди. Асосан, саноат корхоналари, кичик бизнес субъектлари учун мўлжалланган ушбу бўлимда қайта тикланадиган энергия манбалари, энергияни тежайдиган бино ва иншоотлардан фойдаланишнинг самарали усуллари қамраб олинган 50 та ишланма намойишга қўйилган.

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ишимизга бўлган меҳримизни янада ошириб, илмий изланишларимиз кўламини кенгайтириб юборди, — дейди Фарғона давлат университети доценти Баҳодир Каримов. — Чунки мен кўп йиллардан буён айни шу йўналишда, яъни муқобил энергия манбаларидан саноатда кенгроқ фойдаланиш йўлида илмий тадқиқот олиб бораяпман. Бунинг самараси ўлароқ, электр энергияси ҳосил қилувчи шамол генератори, кичик ГЭС ҳамда қуёш панелларини лойиҳалаштириб, талабаларим билан биргаликда ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Бугунги кунга қадар ўндан ортиқ буюртмачиларга қуёш батереялари, ўнга яқин хонадонларга эса кичик ГЭС ва шамол генераторларини етказиб бердик. Бугунги ярмаркада ҳам ишланмаларимизга талаб катта бўлмоқда. Биринчи куннинг ўзида 50 миллион сўмлик шартномалар тузишга эришганимиз бунинг тасдиғидир.

Ниятимиз — ҳамкорлар топиб, муқобил энергия ҳосил қилувчи ускуналаримизни саноат усулида ишлаб чиқаришдир.

Жорий йилги ярмаркада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идоралар тизимидаги муассасалар ва ихтирочилар томонидан кейинги йилларда яратилган янги технологиялар, замонавий ишланмалар ҳамда инновацион ғояларга, айниқса, кенг ўрин берилди. Уларни танлашда эса инновацияларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи асосий мезонлар, хусусан, ишланмаларнинг амалиётга жорий этишга тайёрлиги, энергия ва материал тежамкорлиги, маҳаллий хом ашёдан фойдаланилганлиги, бозорга янги маҳсулот чиқариш имкониятини бериши каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилганини айтиш жоиз.

Шу билан бирга, тадбирга ёш олим ва талабалар кенгроқ жалб этилган ҳолда, уларнинг 70 та ишланмаси намойиш қилинаяпти. Иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида эса Ёшларнинг инновацион ғоялари республика кўрик-танлови ҳам ўтказилмоқда.

Ярмарка доирасида янги техника воситаларининг тақдимотлари, долзарб мавзуларда инновацион форумлар ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Унинг биринчи кунида эса Тошкент халқаро инновацион форуми бўлиб ўтди. Форумда муҳокама этилган масалалар мамлакатимиз илмий салоҳиятини янада юксалтириш, юртимиз олимлари изланишларини саноат талабига мос замонавий ишланмалар яратишга йўналтириш, пировардида иқтисодиётимиз тараққиётини янада жадаллаштиришга хизмат қилиши муқаррардир.

VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Икромов ва У. Розуқулов сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири, халқ турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида белгиланган.*



# Аҳоли бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа

Бинобарин, юртимизда ҳар йили миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ҳудудий кесимларда меҳнат ресурсларидан янада тўлиқ ва оқилона фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган тегишли дастурлар қабул қилинаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг жорий йил биринчи чорагидаги ижросига бағишланди. Қатор вазирлик ва идоралар, Тошкент вилояти ҳокимлиги вакиллари қатнашган тадбирда дастурнинг жойларда бажарилиши, илгари ташкил қилинган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш, бандликнинг самарали шаклларини ривожлантириш ҳамда бу борада мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш каби масалалар муҳокама этилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотига кўра, жорий йилнинг январь — март ойларида республикамиз бўйича 141,1 мингта иш ўрни яратилди. Уларнинг 62,6 фоизи ёки 88,3 мингтаси қишлоқ жойларига тўғри келади. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларига мувофиқ 4,6 мингта лойиҳа рўёбга чиқарилиши натижасида 28,6 мингта иш ўринлари ташкил этилди.

— Маълумки, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, микрофирма ва кичик корхоналар, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов миқдори 25 фоиздан 15 фоизга қадар камайтирилди, — деди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат миқдорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Эркин Авезов. — Бу иш берувчиларнинг янги иш жойлари барпо этишдан манфаатдорлигини оширди. Пировардида якка тадбиркорлик, фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари, ҳунармандчилик, оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобига 112,5 минг киши ишли бўлди.

Йиғилишда бандлик дастурига мувофиқ, Тошкент вилоятида 2015 йилда 87,2 мингта иш ўрни яратилиши белгилангани, шундан 11,4 мингтаси биринчи чоракда ташкил этилгани айтиб ўтилди.

— Янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, саноат, қурилиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, инфратузилма, коммуникация ҳамда уй-жой объектлари қурилиши кўламини ошириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш устувор вазифадир, — деди Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Жамол Носиров. — Кичик бизнес, биринчи навбатда, якка тартибдаги ҳамда оилавий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда имкониятларини кенгайтириш бу борада муҳим ўрин тутади.

Йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ижобий натижалар билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Уларни бартараф этиш борасида ижтимоий шерикликдан самарали фойдаланиш, аниқ вазифаларга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб олиш лозим. Депутатлар томонидан ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда хотин-қизлар, ногиронларни ишга жойлаштиришга оид фикрлар билдирилди.

Йиғилиш якунида тегишли қарор қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ЭРКИН ФАОЛИЯТ УЧУН МУСТАҲКАМ КАФОЛАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биз ҳам бу каби қулайликлардан фойдаланиб, 2012 йилда банкнинг 200 миллион сўмлик кредити ва шунча миқдордаги шахсий жамғармамиз ҳисобидан пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил этган эдик. Қисқа вақтда фаолиятимизни ривожлантиришга эришдик. Масалан, бултур банкдан яна 350 миллион сўмлик сармоя олиб, цехларимизда модернизациялаш тадбирларини амалга оширдик. Натижада ишчиларимиз сони 15 нафардан 30 нафарга кўпайди. Кунлик маҳсулот тайёрлаш ҳажми эса 8 минг донадан 30 минг донага етказилди.

Айтмоқчиманки, юртимизда тадбиркорликка ҳар томонлама йўл очиқ. Президентимизнинг навбатдаги Фармони эса соҳани изчил ривожлантиришда мустаҳкам пойдевор бўлади.

**Усмон НИҲОЛОВ,**
**Қўшработ туманидаги «Қўшработ қурилиш таъмир» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

# ЭСКАТО ШАРҲИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда БМТ органлари юртимиздаги идора ва ташкилотлар билан биргаликда ҳамкорлик дастурининг 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларини ишлаб чиқмоқда.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Ўтган йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз ошди. Жорий йилда ҳам ана шундай юксак суръатларга эришилиши кутилмоқда. Иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, экология каби соҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини муттасил оширишга хизмат қилмоқда.

ЭСКАТОнинг йиллик шарҳида бу жиҳатлар алоҳида қайд этилган.

Тадбирда Осиё-Тинч океани минтақасидаги иқтисодий ва ижтимоий ҳолатга оид маъруза тингланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

АНЖУМАН

*Президентимиз Хотира ва Қадрлаш кунида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат чоғида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг тарихий аҳамияти, бунда юртдошларимизнинг бемисл ҳиссаси, ўтганларни хотирлаш, кексаларни эъзозлаш, тинчликнинг қадрига етиш, бугунги осойишта ҳаётимизни асраб-авайлаш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.*

# Муқаддас бурч

Айни пайтда Юртбошимизнинг ушбу фикр-мулоҳазалари маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида ташкил этилаётган учрашувларда, давра суҳбатлари ва мулоқотларда қизғин ўрганилмоқда.

Хусусан, Жиззах шаҳрида “Ўтганларни хотирлаш, кексаларни эъзозлаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир” шиори остида уюштирилган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлари ҳамда талабалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Дастлаб тадбир қатнашчилари эътиборига давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбати намойиш қилинди. Шундан сўнг сўзга чиққанлар Иккинчи жаҳон урушига кетган юртдошларимиз, Президентимиз таъкидлаганидек, “Қандайдир тепалик ёки қандайдир “улуғ доҳий” учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган”лигини қайд этиб, жаҳоннинг у ёки бу бурчагида қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кучайиб бораётган бугунги таҳликали даврда бепарволикка йўл қўймай, доимо огоҳ ҳамда ҳушёр бўлишимиз зарурлигини қайд этдилар. Шу билан бирга, Юртбошимиз билдирган фикр-мулоҳазаларни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш зарурлиги уқтирилди.

Анжуман якунида вилоятдаги маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида ушбу йўналишда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибаларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Салоҳият, экспорт ва иш ўринлари

«Ташаббус» ғолиблари ана шу мезонлар асосида аниқланмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— “Ташаббус”да биринчи марта иштирок этаяпман, — дейди китоблик тадбиркор Санжар Ғаниев. — 2007 йилда қурилиш соҳасида иш бошлагандик. Ўтган даврда давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Хорижнинг илғор технологиялари асосида 8 турдаги қурилиш маҳсулоти — микрокальцит ҳамда бўёқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бундан ташқари, транспорт ва қурилиш хизматларини ҳам кўрсатаяпмиз. Мазкур танловнинг вилоят босқичида “Энг яхши тадбиркор” деб топилишим зиммамга катта масъулият юклайди.

Танловда, шунингдек, “Энг яхши ёш тадбиркор”, “Энг яхши тадбиркор аёл”, “Энг яхши инновацион лойиҳа муаллифи”, “Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор”, “Менинг юртим — менинг ифтихорим”, “Энг яхши экспортчи”, “Энг яхши оилавий бизнес соҳиби”, “Кекса тадбиркор ташаббус эъзозида”, “Энг яхши масъулиятли ижтимоий шерик” йўналишлари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

# Буюк юрт фарзандлари

*Қорақалпоғистон Республикасида “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда 20 мингдан зиёд ўғил-қиз қатнашди.*

“Камолот” ЁИҲ Марказий кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур акция доирасида сенаторлар, депутатлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, олимлар, спортчи ҳамда санъаткорлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказилди.

Тадбирларда сўзга чиққанлар юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илм-фан ҳамда касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилаётганини, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Фестиваль доирасида ўтказилган “Сиз севган қаҳрамонлар”, “Оммавий маданият” ва ёшлар маънавияти”, “Депутат ва ёшлар”, “Замонамиз қаҳрамонлари” каби 15 га яқин лойиҳалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. “Президент асарлари билимдони”, “Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси”, “Қувноқлар ва зукколар”, “Заковат” танловлари янги истеъдодларни кашф этиш имконини берди. Шунингдек, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” лойиҳаси доирасида Меҳрибонлик уйи ва махсус мактаб-интернатларда хайрия тадбирлари ташкил қилинди. Фаол ёшлардан иборат гуруҳлар эса кекса авлод вакиллари ҳолидан хабар олиб, уларнинг уй юмушларига яқиндан кўмаклашди.

Жойларда бўлиб ўтган анжуманларда иштирокчиларга “Гумроҳлар”, “Сотқин”, “Шунқорлар” кинофильмлари намойиш этилди.

— Мазкур фестиваль доирасида Оролбўйининг энг олис туман ва овуллари ёшлари ҳам қамраб олинди, — дейди “Камолот” ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Обод Дониёров. — Энг муҳими, бундай тадбирлар навқирон авлод вакилларини ягона мақсад атрофида бирлаштириб, уларни янги-янги марраларни забт этишга руҳлантирмоқда.

Уч кун давом этган акция доирасида “Энг яхши маънавият тарғиботчиси”, “Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси”, “Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси”, “Энг фаол патронаж ёшлар гуруҳи” номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Чимбой, Элликқалъа туманлари ҳамда Нукус шаҳрида ўтказилган гала-концертлар эса фестиваль иштирокчиларига янада кўтаринки кайфият бағишлади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 19 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2027,12 | 1 Исландия кронаси | 19,51 | 1 СДР | 3579,00 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3974,87 | 1 Канада доллари | 2101,06 | 1 Туркия лираси | 979,26 |
| 1 Дания кронаси | 387,20 | 1 Хитой юани | 407,48 | 1 Швейцария франки | 2757,26 |
| 1 БАА дирҳами | 688,15 | 1 Россия рубли | 50,54 | 1 евро | 2831,05 |
| 1 АҚШ доллари | 2527,58 | 1 Украина гривнаси | 122,12 | 10 Жанубий Корея вони | 23,30 |
| 1 Миср фунти | 331,27 | 1 Малайзия ринггити | 708,30 | 10 Япония иенаси | 210,79 |
| | | 1 Польша злотийси | 713,72 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Италиянинг “Massimo Zanetti Beverage Group” компанияси маҳаллий кофе ишлаб чиқарувчилар орасида биринчи бўлиб акцияларини биржага жойлаштирди.*

## Қарзни қоплаш учун чора

У қимматли қоғозларининг 35 фоиздан кўпроғини сотувга қўйган. Шу орқали компания қарийб 200 миллион евро миқдорида маблағ ишлаб олиб, унинг асосий қисмини қарзини қоплашга йўналтирмоқчи. Негаки, “Massimo Zanetti Beverage Group” 2014 йилни 440 миллион евро миқдоридаги қарз билан якунлаган эди.

## Самолёт ортга қайтди

*АҚШнинг “Hawaiian Airlines” авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёти Лос-Анжелесдаги халқаро аэропортга фавқулодда қўндирилди.*



У айнан Лос-Анжелесдан ҳавога кўтарилиб, Гонолулу (Гавайи ороллари) томон парвозни амалга ошираётган эди.

Манбада айтилишича, механик носозлик юзага келгани туфайли самолёт капитани ортга қайтишга қарор қилган. Воқеа юз берган вақтда ҳаво лайнери бортида 330 нафар йўловчи бор эди. Уларга ҳеч қандай зиён етмаган. Айни пайтда мутахассислар муаммо нимадан келиб чиққанини аниқлашмоқда.

## Даъвога асос йўқ

*“Gucci”, “Yves Saint Laurent” каби бутун дунёга машҳур брендларга эгалик қилувчи “Kering” (Франция) компанияси Хитойнинг “Alibaba” интернет-дўконини судга берди.*

“Евроньюс” телеканали хабарига кўра, бунга ушбу интернет-дўконда “Kering”га тегишли савдо белгилари остида қалбаки маҳсулотлар сотилаётгани сабаб қилиб кўрсатилган.

Ўз навбатида, “Alibaba” раҳбарияти мазкур айбловга муносабат билдирди. Унда Франция компаниясининг бундай даъво учун етарли далилларга эга эмаслиги таъкидланиб, қалбаки маҳсулотлар савдосига қарши курашишга доим эътибор қаратилаётгани қўшимча сифатида маълум қилинган.

## Ови бароридан келди

*Буюк Британияда узунлиги олти метрга тенг илонбалиқ тутилди.*



Плимут шаҳри балиқчилари овлаган ушбу денгиз жонивори 72 килограмм тош босган. Шу тариқа улар 1995 йилда ўрнатилган рекордни янгилашди. Чунки ўшанда ушланган илонбалиқ 59 килограмм вазнга эга эди.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, йирик илонбалиқлар одатда маржонқоялар орасида яшириниб яшайди. Аммо егулик илинжида юқорига чиқишга мажбур бўлади. Ана шундай пайтда қармоққа осонгина илинади. Чунки бундай турдаги балиқларнинг танаси катталиги боис тез ҳаракатлана олмайди.

## Иссиқ таъсири

*Ўтган ҳафтада Японияда ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиб кетгани натижасида 480 нафардан ортиқ одам касалхонага ётқизилди. Иссиқ таъсирида икки киши ҳаётдан кўз юмди.*



11 — 17 май кунлари мамлакатнинг бир қанча ҳудудларида ҳарорат +30 даражани ташкил этган. Мамлакат миллий метеорология ва ўт ўчириш хизматлари фуқароларга мурожаат қилиб, бундай ҳолатда кўчага камроқ чиқишга, зарурат туғилганда эса, қуёш нуридан ҳимояловчи кийим ва воситалардан фойдаланишга, шунингдек, кўпроқ суюқлик ичишга чақирган.

Ўтган йилнинг ёзида Кунчиқар юртда ҳаво ҳароратининг кўтарилиб кетиши оқибатида 53 минг киши азият чеккан, уч юз киши ҳалок бўлган эди.

## Йўлдаги ҳодиса

*Камбоджада сайёҳларни олиб кетаётган автобус юк машинаси билан тўқнашиб кетди.*

Оқибатда 20 киши ҳаётдан кўз юмган. Бахтсиз ҳодиса мамлакатнинг Свайриенг провинциясида юз берган. Тўқнашув кимнинг айби билан содир бўлгани номаълум.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг хўжалик жамиятларидаги улушлари бўйича газетанинг 2015 йил 6 майдаги 89-сонида чоп этилган эълон матнидаги «Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Coinot and C» МЧЖ учун 1 (бир) йилдан ошмаслиги лозим» жумласи «Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Coinot and C» МЧЖ учун 3 (уч) йилдан ошмаслиги лозим», деб ўқилсин.

***«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ маъмурияти.***

Гувоҳнома 005357.

722R/30


# Халқимиз тарихининг кўзгуси

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекмузей” жамғармаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида “Музей — халқ тарихининг кўзгуси” республика кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*



Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

ТАДБИР

Тадбирда қайд этилганидек, бугун мамлакатимизда халқимизнинг тарихий, илмий ва маданий мероси, маънавий қадриятларини ўзида асраб келаётган мингдан зиёд музей фаолият кўрсатмоқда. “Музейлар тўғрисида”ги Қонун мазкур маданият муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, уларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ёшларимиз онгу шуурига сингдириш ва кенг тарғиб этишга хизмат қилаяпти.

Музейлар аждодларимизнинг авлодларга қолдирган муносиб меросини тарғиб қилувчи, бизни минг-минг йиллик илдизларимиз билан боғловчи, бугунги ривожланиш ҳамда тараққиёт даврини ўзида акс эттирувчи бой маънавий хазинадир. Улар ёшларимизни маданий, тарихий ва бадиий меросимиз, умумбашарий қадриятлар, ўтмиш, илм-фан ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ҳамда анъаналари, санъат асарлари билан таништиради, она-Ватанимизга садоқат туйғусини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро музейлар кунига бағишлаб уюштирилган “Музей — халқ тарихининг кўзгуси” республика кўрик-танлови мазкур соҳада меҳнат қилиб, улкан ютуқларга эришаётган ходимларни рағбатлантиришга қаратилган.

— Вилоятимизда мавжуд музейлар фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида қатор ишлар бажарилмоқда, — дейди “Йилнинг энг яхши мустақиллик экспозицияси” йўналиши ғолиби, Навоий вилояти ҳокимлиги “Мустақиллик экспозицияси” музейи ходими Фаррух Ашурматов. — Хусусан, музейимизда истиқлол даврига оид минглаб ноёб экспонатлар борки, буларнинг барчаси ёшларимизни жонажон Ўзбекистонимизнинг улкан ютуқлари билан фахрланишга ундайди.

Шунингдек, тадбирда қатор йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Музейимиз ёшлар билан доимо гавжум, — дейди “Йилнинг энг яхши уй-музейи” йўналиши ғолиби, Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори Нодира Жалолова. — Улар беназир адиб, моҳир таржимон Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб асарлар, қўлёзмаларни катта қизиқиш билан томоша қилишади. Шунингдек, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Тадбир сўнгида Ўзбек Миллий академик драма театрининг “Кўнгил” спектакли намойиш этилди.

